

## ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА РАССОМНИНГ МАВҚЕЪИ

**Қосимов Хайрулло Собирович**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Чизматасвир кафедраси доценти

**Аннотация.** Мақолада замонавий жамиятда рассомнинг мавқеи, дунёқараш, маънавий ахлоқий ижодий аспекти таъсирида Ўзбекистон рангтавирида реализм асосий база бўлиб шаклланганлиги, шахсий ишлаш методига эга бўлган классик рассомлар уни ўз ижоди билан тўлдириб келаятганлиги, мустақиллик йилларида реалистик йўналиш кекса ва ўрта авлод рассомларининг сермахсул ижодида намоён бўлганлиги келтирилган.

**Калит сўзлар:** аспект, метод, реализм, авангард, инқилоб, декоративизм, интерпретация, инсталляция.

**Аннотация.** В статье содержится информация о положении художника в современном обществе, мировоззрении, а также о том, что под влиянием духовно-нравственных творческих аспектов реализм сформировался как основная основа в живописи Узбекистана, что художники-классики, обладающие личным методом работы наполняли его своим творчеством, что в годы независимости реалистическое направление проявилось в плодотворном творчестве художников старшего и среднего поколения.

**Ключевые слова:** аспект, метод, реализм, авангард, революция, декоративность, интерпретация, инсталляция.

**Abstract.** The article contains information about the position of the artist in modern society, worldview, and also that under the influence of spiritual and moral creative aspects, realism was formed as the main basis in the painting of Uzbekistan, that classical artists who had a personal method of work filled it with their creativity, that during the years of independence, the realistic trend manifested itself in the fruitful work of artists of the older and middle generations.

**Key words:** aspect, method, realism, avant-garde, revolution, decorativeness, interpretation, installation.

Ўзбекистоннинг миллий санъати жаҳон, Европа ва собиқ совет худудаги республикалар санъати орасида маҳаллий, авангард бўлмаган ҳолда намоён бўлади. 90-йиллар рангтасвирчилари бадиий йўналишда тўнтариш ясайдиган ҳаракатларга киришмадилар, уларнинг киритган янгиликлари «сокин инқилоб» тусини касб этди. Бу эса кўп жиҳатдан бой тарихий-бадиий мерос билан бошқа бўлиб, у маълум бир маънода замонавий рангтасвирчиларнинг илғор ташаббускор қарашларини чеклаб туради. Ўзбекистон рассомлари бугунги кунда тарихий хотираларни тиклаш, ўз бадиий меросини қайта мушоҳада қилиш билан бирга жаҳон бадиий маданиятининг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштирмоқда.

90-йиллар рангтасвирининг услубий йўналишлари ва оқимлари орасидаги сарҳад шартли хусусиятларга эга. Ушбу давр тасвирий санъатда турли оқимлар ҳамнафас бўлиб ривожланди. Улар реалистик, шартли-декоративизм, миниатюранинг интерпретацияси, инсталляция ёки нофигуратив рангтасвир абстракционизмларга ажратилади.

Ўзбекистон рангтавирида реализм асосий база бўлиб шаклланди. Шахсий ишлаш методига эга бўлган классик рассомлар уни ўз ижоди билан тўлдириб келган. Мустақиллик йилларида реалистик йўналиш кекса ва ўрта авлод рассомларининг сермахсул ижодида намоён бўлади. Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, М.Набиев, Р.Чориев, С.Абдуллаев, А.Икромжонов, С.Рахметов, Э.Машарипов, О.Муинов, З.Шарипова, А.Алиқулов яна бошқа рассомлар асарларида бу йўналиш учун анъанавий бўлган тарихий ва жанрли картиналар, портрет, манзара ва натюрморт ўз ифодасини топади.

Реалистик йўналиш тараққиётида, айниқса, 1990 йилларда тарихий жанр устун кела бошлади. Негаки бу даврда янги мафкура пайдо бўлгач, барча санъат турларида айнан тарихий жанрга бўлган янгича қизиқиш кузатилади, яъни миллий қахрамонларни ифодалаш кенг тус олди. Бадиий жараёнга ўзига хос ёндашиш билан унда самарали из қолдирдилар. "Янги ноанъанавий — бу унчалик қўнғилсизлик эмас, чунки у бизни машхур қадимги Шарқ шеърляти ва суфиёна фалсафасига, янгича бойитилган бадиий ва ўзига хос шаклларда чорлаб, етаклайди".

Шарқ поэзиясида бадиий мукамалликка эришиш таомили тахминан тасвирий санъатдаги кабидир, бошқача айтганда, шоирнинг ички ижодий ғояси матнда акс этади, ундаги қофия ва радифлар тасвирий санъатдаги ранг градциялари, мусиқадаги ноталар вазифаларни бажаради. Ўзбекистон мусаввирлари асарларидаги хусусий пластик таомиллар, ёрқин кўзга ташланадиган таркибий мувофиқликларга қарамай, уларнинг барчасида

дунёқарашнинг шарққа хос бўлган унсурлари кўзга ташланади. Р.Қодиров, Л.Ибрагимов, Ж.Усмонов, А.Нур, З.Шарипова, Ф.Аҳмадалиев, Ш.Хақимов, А.Риҳситуллаев каби рассомлар Шарқ фалсафаси ва назмининг умумий ғояларига таяниб пластик образларнинг янги дунёсини яратдилар. Улар ранглар жилосининг маънодорлигига ва бўёқдор мутаносиблигига алоҳида эътибор берадилар.

Шарқ назми ва суфийлик тариқати ғояларига асосланган замонавий бадиий жараёнда яратилган ҳар бир асар ўзида ижодкорнинг воқийликка «шахсий муносабат» ини намоиш этади. 90-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати ҳақида мулоҳаза юрита туриб, танқидчиларнинг «Янги файласуфларнинг энг муҳим фарқи ифода этишнинг шахсийлаштирилишида аниқ-равшан кўзга ташланади», - деган таъкидлари тасодифий эмас.

Уларни ички миссий интилишлар, шунингдек, асрлар давомида шаклланган миллий анъаналарга мурожаат этиб, иш қўриш бирлаштириб туради. Маданий ҳаётдаги умумий эврилишлар, жамият тараққиётида юз берган ўзгаришлар бу рассомлар ижодида ўз аксини топди.

Улар биринчилардан бўлиб янги бадиий ғояларни идрок эта бошладилар. Бу янги жамиятда пайдо бўлган турли маънавий ва фалсафий қарашларнинг манбаи саналган этномаданий мерос билан боғладилар. Мураккаб ўтиш даврида ёш рассомлар ижоди равнақ топиши учун айни шу омил асос бўлди. Уларнинг асарларидаги ғоялар этномаданий анъаналарда жамланган маданий ва маънавий қадриятлар яхлит эканлигини яққол акс этади. Рассомларнинг ўша даврдаги изланишларида маънавий қадриятларнинг аҳамияти айниқса катта бўлди. Буни ўз даврида танқидчилик ҳам алоҳида таъкидланган эди. Машхур олим Х.Зейдльмайер ҳам замонавий санъатда фалсафий муаммолар кескинлашуви қонуний эканлигини таъкидлаган эди. Олимнинг ёзишича, «руҳият тарихи бўлган санъат тарихи» ҳозиргача намоён бўлган моҳиятдан янада теранроқ мазмун билан бойиб боради. Бу рассомларни услубдаги умумий жиҳатлар эмас, балки ҳодисаларни янгича дунёқараш ҳам ўзаро яқинлаштириб туради. Бу ўз навбатида, санъатшунос А.Хақимов таъбири билан айтганда, уларни Ўзбекистон санъатидаги «янги тўлқин» деб аташга асос беради. Улар учун тасвирий санъат борлиқнинг ҳақиқий гўзаллиги, анъаналардан илҳомланиш, мавзуларни ортиқча эстетиклаштириш, хашамат кабилардан юксак турадиган хилқат ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг асарларида дунёни янгича фалсафий ва бадиий идрок этишга интилиш сезилади. XX асрда Ўзбекистонда етарли даражада кучли мактаб шаклланди. Мустақилликка эришув рассомларни ўзини бадиий ифода этиш учун янги куч-қувват берди, улар эндиликда усул, услуб танлашда эркин

эдилар. Рассомлар ижодида аввалги даврда кўрсатиш мумкин бўлмаган ўз фалсафий қарашларини ифода этиш имконияти яралди. Рангтасвирнинг кўпгина замонавий фалсафий пластик тизимида 80-йиллар сўнгида тамал тоши қўйилган қочиримли-рамзли услуб ривожига жадаллашди. 90-йиллар санъати ўтиш даврига хос бўлган турли туман услублар кўламининг кенглиги билан фарқланади. Бу кўламда академик реализм, демократизм ва миллий романтизм (кўп ҳолларда миниатюра талқини оҳангида) қиёфасиз рангтасвир, инсталляция ечими тарзида авангардизм ёнма-ён мавжуддир. Бу кўп жиҳатдан ижодий дунёқарашнинг кенгайиши ва теранлашиши, муаллифларнинг белгиланган қолиплар чегарасидан чиқишга интилиш билан изоҳланади.

1997 йилда Бадий Академиянинг ташкил этилиши Ўзбекистон бадий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унинг фаолияти бадий таълим, кўргазма ишлари ва республика бадий мероси ва замонавий санъатини тарғиб қилишга йўналтирилган. Академиклар орасида кўпроқ рангтасвирчи рассомлар: фахрий академиклар Р.Ахмедов, А.Абдуллаев, Д.Рўзиев, М.Саидов, Р.Чориев, М.Набиев. Академиянинг ҳақиқий аъзолари - В.Бурмакин, А.Икромжонов, Т.Қўзиев, Т.Миржалолов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Изентаев, Л.Ибрагимов, Б.Бобоев, И.Турсунназаров, С.Абдуллаев ва бошқалар. Рассомларнинг турли авлодларидан иборат академиклар таркиби рамзий маънода мамлакат тасвирий санъатининг XX асрда босиб ўтган турли хил услубий йўналишлари ўзига хос йўлни ифода этади.

Ўзбекистоннинг миллий санъати жаҳон, Европа ва собиқ совет худудидаги республикалар санъати орасида маҳаллий ҳам ўта навор ёки авангард ҳам бўлмаган ҳолда намоён бўлади. 90-йиллар рангтасвирчилари бадий йўналишда тўнтариш ясайдиган ҳаракатларга кириш "сокин инқилоб" тушини касб этди. Бу эса кўп жиҳатдан бой тарихий-бадий мерос билан боғлиқ бўлиб, у маълум бир маънода замонавий рангтасвирчилар ва ҳайкалтарошларнинг илғор ташаббускор қарашларини чеклаб туради. XX аср охири рангтасвирида ижтимоий-шартли ва умуман ижтимоий сақлаш тамойиллари ўз аҳамиятини йўқотди ва йўққа чикди. Ўзбекистонда 90-йилларда услубий жиҳатдан ўзига хос рассомлар гуруҳи уларнинг ижодига қизиқиш томошабинлар ва мутахассислар томонидан шаклланди, ҳали ҳам сусаётгани йўқ. Бу рассомлар ижодида жиддий эврилишлар содир бўлмоқда. Янги пластик йўғрилишларда жо қилинган ҳаёлий эртагу, дostonлар, халқ оғзаки ижоди ва маталлардаги тимсоллар, сюжетлар, турли ҳил расм-русум ва маросимлар билан боғлиқ белгилар ҳамда рамзлар улар рангтасвирининг янги босқичини белгилаб беради.

Дастгоҳли рангтасвирда эришилган анчагина ютуқлар 1999 йил баҳорида ташкил этилган кўрғазмада яққол кўзга ташланади. Кўрғазмада бадиий ижоднинг бу турлари ихлосмандлар ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

90-йиллар санъатга янги номлар кириб келди. Бу Б.Исмоилов, Т.Каримов, Б.Муҳаммедов, Н.Шоабдурахимов, Т.Аҳмедов, М.Жалалаян, Д.Содиқова, З.Шарипова ва бошқалар. Улар ижоди замонавий тасвирий санъатни бойитиш билан бирга кўп жиҳатдан XXI аср истиқболида ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Умуман олганда, бугунги замонавий рангтасвир санъатида ижод қилаётган рассомларнинг ижодига назар солар эканмиз, замонавий жамиятда рассомнинг мавқеи, дунёқараш, маънавий ахлоқий ижодий аспекти таъсирида Ўзбекистон рангтавирида реализм асосий база бўлиб шаклланганлиги, шахсий ишлаш методига эга бўлган классик рассомлар уни ўз ижоди билан тўлдириб келаётганлиги, мустақиллик йилларида реалистик йўналиш кекса ва ўрта авлод рассомларининг сермахсул ижодида намоён бўлганлиги аён бўлади. Демак, замон таъсирида ижодий жараён янги талқинда давом этаётганлигини юқоридаги фикрлардан англаш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Асқарова З. Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида аёллар образи. //Диссертация. – Т.: К.Бехзод номидаги МРДИ, 2021. – 150 б.
2. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). //Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Караматов, Н.Жўраев, Т.Қўзиев ва бошқалар. Илмий муҳаррир: А.Ҳақимов. – Т.: Шарқ, 2001. – 240 б.
3. Ўзбекистон тасвирий санъати. – М.: “ГАЛАРТ”, 2013. – 232 б.